

Худудий саноат ярмаркаси



Экспозиция УМРЭКОВ (УСА) олдига ораёт.

(Давоми. Бошланги 1-бетда).

— Ҳисоб-китоблар бўйича битта автомобиль йиғиш учун 5 мингта деталь зарур бўлади, — дейди тадбир иштирокчиси, Жалақуд туманидаги «ТАПАЗ» хусусий корхонаси раҳбари Абдували Болтабоев. — Бизда шуларнинг 41 номдагиси ишлаб чиқарилаётган. Жумладан, жамоамиз саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг биринчи чорагида 127 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, келгусида бу курсаткичи янада ошириш чораларини кўраётимиз.

Вилоят ишбилармонларнинг 18 турдаги спорт анжумани ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бинобарин, Андижон шаҳридаги «Эко ком-форт элгант» масъулияти чекланган жамиятида яримўтказгичли диод ёриткич лампалари тайёрлаш улаштирилгани истиқболли лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилди.

Икки кун давом этган тадбирда, шунингдек, Тошкент, Навоий, Бухоро, Фарғона, Наманган вилоятларидан ташриф буюрган ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз маҳсулотларини намойиш қилишди.

Яқунда саноат корхоналари ва истеъмолчилар ўртасида умумий қўймати 16 миллиард сўмликдан зиёд 225 та шартнома имзоланди ҳамда хорижий ҳамкорларга 4 миллион 110 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан экспорт битимлари тузилди.

Сайдахом ШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СМИНАР

Ҳар йили «Биологик ранг-баранглик тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилган давлатлар, жумладан, Ўзбекистонимизда ҳам 22 май — Халқаро биологик ранг-баранглик куни сифатида кенг нишонланади. Шу кунларда мазкур сана муносабати билан жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан Глобал экологик жамғарманинг мамлакатимиздаги Кичик грантлар дастури, БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси кўмагида ташкил этилган семинар ҳам ушбу экологик байрамга бағишланди.

ТАБИАТ МУЛКИ ВА ИНСОН БУРЧИ



Тадбирда сўзга чиққанлар қайд этганидек, биологик ранг-баранглик деганда, Ердаги ҳаёт кўри-нишларининг хилмахиллиги, яъни ўсимлик, ҳайвонот олами, микроорганизмлар ва экологик тизимлар тушунилади. Булар нафақат экологик, балки генетик, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан гоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, инсониятнинг бугунги ва эртанги ҳаёти даражасини белгилаб беради.

— Дунё бўйича қарийб 30 миллион биологик тур мавжуд бўлса, шундан 1,4 миллионга яқини тавсифланган. Таҳлиллар шундан йилига бир нечтаси, баъзи пайтлари мингта яқини йўқолиб кетаётганини кўрсатмоқда, — дейди БМТ тизимининг республика-миздаги координатори Стефан Приснер. — Бу ҳолат инсон омили таъсирида рўй бераётгани дунё ҳамжамияти олдига янги-янги вазифаларни қўяди.

Шу ўринда Ўзбекистон биологик хилмахиллигини сақлашга қаратилган халқаро ҳужжатларни биринчи-лар қаторида имзолаб, қўллаб лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Натижада йўқолиш хавфи бўлган ўсимлик ва ҳайвонот турларини кўпайтиришга муваффақ бўлина-япти.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллик йилларида экотизимни яхшилаш, биологик турлар муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқ-

да. Бунинг учун, энг аввало, миллий қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, жумладан, «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимликлар дунёсини муҳофазаси қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиндики, уларнинг изчил ижроси таъминланмоқда.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари К. Солиқовнинг айтишича, кейинги йилларда муҳофазаси этила-диган табиий ҳудудлар

майдонини кенгайтириш чоралари кўрилатганини диққатга сазовордир. Айни пайтда 8 та давлат кўриқхонаси, 2 та миллий боғ, 12 та давлат буюртмахонаси, шунингдек, «Жайрон» экомаркази, «Куйи Амударё» биосфера резервати самарали фаолият кўрсатаёпти. Уларда миллий ҳамда халқаро «Қизил китоб»га киритилган, йўқолиш эҳтимоли бор наботот ва ҳайвонот турларини кўпайтириш бўйича муайян ютуқларга эришилмоқда. Бирок айрим ёввойий ўсимликларнинг табиий захиралари, ҳайвонлар бош сони қисқариб кетаётгани ташвишланарлидир. Чўл экотизими ҳайвонларнинг 46 тури, тоғ экотизими жониворларнинг 43, сув ва суволди ҳудудларида яшовчиларнинг 87 тури жиддий хавф остида эканлиги шундай дейишимизга асос бўла олади.

Семинарда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, юзага келган вазиятни юмшатиш борасида кўрилатган аниқ чора-тадбирлар, ҳаётга татбиқ этилаётган халқаро лойиҳалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди.

Қисқача айтганда, табиат неъматлари башариёт мулки, умуммиллий бойликдир. Уларни асраб-авайлаб, ўз ўрнида фойдаланиш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланмоғи шарт.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХЖ 24 СОАТ ИЧИДА

Интернетдан фойдаланувчиларга теле ва видео хизматлар кўрсатувчи «Netflix» (АҚШ) компанияси Европа бозорини ҳам эгалламоқчи.

Рақобатга киришмоқчи

Гап шундаки, мазкур провайдер тез орада Германия, Франция, Австрия, Швейцария, Бельгия ҳамда Люксембург мамлакатлари аҳолиси учун обунани йўлга қўйиш ниятида. «Netflix» шу пайтгача «кўчма китоб»да Скандинавия, Бирлашган Қироллик давлатлари ва Голландия-

да ўз хизматларини жорий этган эди. АҚШ компанияси айни пайтда қарийб 48 миллион абонентга эга. «Netflix» Европада камровини кенгайтирса, «Amazon.com» интернет-сервиси ва «Canal Plus» телеканали билан рақобатлашишга тўғри келади.

Автомобилларга талаб ортмоқда

Биринчи чорада Европада автомобиллар савдоси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,4 фоиз ошди.

Бундай ижобий ҳолат апрелда ҳам давом этди. Хусусан, ушбу ойда Европа Иттифоқига аъзо давлатларда савдо ҳажми 2013 йилдаги натижалар билан қиёслаганда, 4,6 фоиз ўсган. Бунда Италия, Франция, Буюк Британия ҳамда Испаниянинг сезиларли улуши бор. Ўтган ойда, айниқса, Португалияда енгил автомобилларга бўлган талабнинг бирданга 53,1 фоиз ортгани кўпчилик учун қутилмаган янгилик сифатида баҳоланмоқда.



Энг кўп маҳсулот сотган компаниялар рўйхатида дастлабки учта ўринни «Volkswagen», «Ford» ҳамда «Renault» эгаллади.

Метеорит ёмғири

Астрономлар 23-25 май кунлари самода охириги ўн тўрт йил ичидаги энг йирик метеорит ёмғири кузатилишини маълум қилишди.

Ушбу табиат ҳодисаси, айниқса, 24 майда фаол кузатилади. Яъни мазкур санада дунёнинг турли нуқталарида соатига 200 тагача метеоритни кўриш мумкин. Мутахассисларнинг қўшимча қилишича, бу галги «Юдулар кулаши» охириги 250 йилдаги энг ёрқини ҳам бўлади.

Тошқин келтирган зарар

Болқон давлатларида рўй берган сув тошқинлари улар иқтисодига миллиардлаб евро миқдорда зарар етказди, дейилади «Евроњьюс» телеканали хабарига.



Масалан, Босния ва Герцеговина ҳудудининг 40 фоизидан тиклаш ишларини амалга оширишга тўғри келади. Табиий офат туфайли ушбу мамлакат инфратузилмаси, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳамда тураржой бинолари жиддий зиён кўрди. Икки мингдан ортиқ кўчклар содир бўлди. Сербияда эса сув тошқинлари 3,5 минг километрдан зиёд автомобиль йўлларини фойдаланишга яроқсиз ахволга келтирди. Темир йўлларнинг ҳам 30 фоиз қисми ишдан чиқди.

Ҳар икки мамлакат халқаро ҳамжамият ёрдамига мутож.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизмати!

Хурматли юртдошлар!
Сизларга кўйидаги янги омонат турларини таклиф этамиз.

«Наврўз»
Сақлаш муддати — **6 ойдан 24 ойгача**. Омонатга пластик карточкадаги маблағлар қабул қилинади. Афзаллиги — омонатчи хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда **нақд пулда** тўланади.

«Қўқлам»
Сақлаш муддати — **6 ойдан 24 ойгача**. Омонатга пластик карточкадаги маблағлар қабул қилинади, фоизлар **нақд пулда** тўланади.

«Харидор»
Сақлаш муддати — **1 йил, 2 йил ва 3 йил**. Хисобланган фоизларнинг 50 фоизи **олдиндан** истеъмол товарлари сотиб олиш учун пул ўтказиб берилади.
Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-371) 250-67-19.
Факс: (8-371) 250-84-35.

Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ хабар қилади!

● Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан бошланғич баҳоси 690 604 283 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Белақиқ маҳалласи, Узумзор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., қурилма ва бино-иншоотларнинг майдони 493,0 кв.м., фойдаланиш майдони 107 кв.м. бўлган 2 қаватли уй-жой бўйича 2014 йил 11 июнь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдоси вақтинча тўхтатилмоқда.
Асос: Зангиота тумани СИБнинг 2014 йил 15 майдаги 14/24-сонли хати.

● Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан бошланғич баҳоси 1 650 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 61, 59, 57-уйлар, 48474,0 кв.м. ер участкасида жойлашган, умумий майдони 2185,0 кв.м. бўлган 10 та савдо ва маиший техника дўконлари бўйича 2014 йил 28 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдоси тўхтатилмоқда.
Асос: Шайхонтоҳур тумани СИБнинг 2014 йил 21 майдаги К-4/24-сонли хати.

Маълумот учун телефон: (8-371) 254-69-13.
Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ
Сирдарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2013 йил 20 декабрдаги 1-2504/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сирдарё тайёрлов таъминот савдо» МЧЖга тегишли, Мирзаобод тумани, Пиллакор кўрғонида жойлашган, умумий майдони 14336,1 кв.м.дан иборат «Таксомотор» саройи биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 212 500 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 24 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 20 июнь куни соат 18.00.
Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шoҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.
Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ
Навоий вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Нурота тумани судининг 2013 йил 8 ноябрдаги 1-193-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. Навоий шаҳри, Спутник кўрғонида жойлашган, умумий ер майдони 6302 кв.м., фойдаланиш майдони 592,32 кв.м. бўлган А, Б, Б1-а, в, г литерлардаги 51 хонадан иборат савдо базаси биноси.
Бошланғич баҳоси — 383 620 000 сўм.
2. Навоий шаҳри, 17-кичиқ туманда жойлашган, умумий ер майдони 1390,88 кв.м., фойдаланиш майдони 1308,72 кв.м. бўлган супермаркет биноси.
Бошланғич баҳоси — 1 216 490 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 13 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 11 июнь куни соат 18.00.
Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Хусусий-лаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.
Телефон: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ
Наманган вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 16-1202/18169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳақулобод шаҳарчаси, «Бобур» МФЙда жойлашган, «Норин тумани бош пиллахонаси» МЧЖга тегишли, блок-бостирма (навес) бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 1242,36 кв.м., фойдаланиш майдони 1235,22 кв.м.; пилла сақлаш бостирмаси, қурилиш ости майдони 1046,07 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,57 кв.м.; металл бостирма, қурилиш ости майдони 601,8 кв.м., фойдаланиш майдони 601,8 кв.м.; мавсумий ичиқлар хонаси, қурилиш ости майдони 74,23 кв.м., фойдаланиш майдони 61,34 кв.м.; қорапўчок бостирмаси бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 290,4 кв.м., фойдаланиш майдони 273,76 кв.м.

бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 178 097 270 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 9 июнь куни соат 18.00.
Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 февралдаги 704-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оҳангарон тумани, Галлақудуқ кўрғонида жойлашган кўчмас мулк бино-иншоотлари ва дастгоҳлар савдога қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 440 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 10 июнь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога

қўйилган кўчмас мулк ва дастгоҳлар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.
Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Махмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

«REAL AUCTIONS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 2012 йил 27 февралдаги 2-128/34-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўк-терак матбуот инвест» МЧЖ оморборида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 У 077 НА бўлган, «AUDI Q7» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 206 801 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 12 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.
Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real auktion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Махмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.
Гувоҳнома № 006795.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти жамоаси «Халқ сўзи»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири Хидоят Аҳмедовга онаси Шукрўжон ая АҲМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар муҳарририяти муҳаррири Шокиржон Сиддиқовга қизи ШУКРОНАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, билаги куч-қувватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очиқ чехрасига боқиб, айтмоқчиман — барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, етувчи ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканлигимизга баҳо беради.

Шунинг учун ҳам биз ўзлигини, ўз кадр-қимматини, Ватани олдимизга ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимизни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, хал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Ислом КАРИМОВ



Бола асалари муми кабир. Мураббий уни истаган шаклга солиши мумкин. Бола ота-онасининг ёшида бир пок саҳифа кабир. Унинг қалбига ҳеч бир нақш ё сурат солинмаган, аммо бундай қалб ҳар қандай нақшни олишига ҳозир, яъни ҳамма нарсага мойилдир. Шунинг учун ҳам уни гўзал амаллар билан банд этиши лозим. Бу қалб эзуликлар ва билимлар билан тўлдирилса, фарзанд баркамол бўлиб етишади.

«Аждодлар мероси» китобидан.

Киши ниманики орзу қилса ва шу йўлда астойдил ҳаракат қилса, албатта, мақсадига эришади. Ўзимдан мисол, ёшлигимда сўлим шахримизда, қолаверса, ойнаи жаҳон орқали дунёнинг турли бурчагидан жонажон Ўзбекистонимизни томоша қилиш учун келган бир гуруҳ меҳмонларни бошлаб, уларга бой тарихимиз ва санъатимиз тўғрисида сўзлаб бераётган таржимонларни кўриб, ҳавас қилардим. Болалиқдаги ана шу ҳавас мени хорижий тилларни пухта ўрганишга ундади.

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ инглиз тилида бемалол гаплашадиган бўлдим. Шу билан бирга, юртимизнинг тарихий қадамжолари, беназир адабий намуналари ҳамда санъатини кунт билан ўзлаштирдим.

ТИЛ БИЛГАНГА ОЛАМ ЧАРОҒОН

Бугун биз, ёшлар таълим олиш жараёнида давлатимиз раҳбарининг беқиёс ғамхўрлиги ва эътиборини дилдан ҳис қилмоқдамиз. Хусусан, ҳеч кимдан кам бўлмай билим олишимиз учун барча шарт-шароитнинг яратиб берилгани бизга катта гурур бағишлайди.

факультетига қабул қилиндим.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган таълим олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг бош омил бўлмоқда. Жумладан, шу асосда университетимиз замонавий қиёфа касб этиб, сўнгги русумдаги ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Натижада у дунёнинг энг илгор таълим муассасасига айланди. Айниқса, таълим сифати юксалиб, талабалар турли фан олимпиадаларида ўз иқтидорларини намойиш қилиб келишарди. Қолаверса, уларнинг фандаги ютуқлари давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантириб борилаётди.

ТАЪЛИМ

2009 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишим ҳам юртимизда истеъдодли ёшларнинг қанчалик қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир. Ушбу рағбат орзуларимга қанот берди. Ундан руҳланиб, чет тилни ўрганишга бугун вужудим билан киришдим. Буларнинг бари бесамар кетмади. 2010 йили имтиёзли равишда Мирзо Улукбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология

Жорий йилда менинг ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлганим ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бирига айланди. Мазкур рағбат мени юртимизга муносиб фарзанд бўлишга, унинг номини олам узра тараннум этишга ундайди.

Дилнозаҳон КАТТАХАНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Ўзбекистон Президенти стипендияси соҳибаси.



Бу йил Андижон молия-иқтисодиёт коллежини "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши бўйича тамомлайман. Ёшларга берилаётган эътибор тўғрисида айтиш мумкин, ҳозирда қанчалар кўпгина "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан аъёнанинг тарзда ўтказиш келинаётган "Менинг бизнес гоям" танловида қатнашиб, вилоят босқичида голиблар сафидан ўрин эгалладим.

НОН ТАЪМИ МЕҲРДАН

Асли бундай танловда иш-тирок этишни анчадан буён ниёт қилиб келаётган эдим. Қайси соҳада ўзимни синаб кўрсам экан, деган савол ҳам дарҳол ўз ечимини топди. Сабз-яшиллик менга ота-мерос касб. Уч йилдан буён ўқшдан бўш вақтимда амаканиннинг ёнига кириб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўргандим. Мақсад қилинган йўналишга ўзига хос янгилик олиб кириш танлов шартлари билан бир қаторда бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам маҳсулотларни тайёрлашда минерал сувдан фойдаланиш таклифини илгари сурдим. Яъни хамирни оддий эмас, балки таркибидан фойдали моддалар мавжуд газсиз минерал сувга қориш усули.

алоҳида масала. Бунда коллеж-да олган билимларимга, қолаверса, устозларим кўмагига таяндим. Асосий эътиборни бўла-жак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, барқарор фаолият қўратиб, кредитни ўз вақтида қайтариш ва фойдага кириш кабиларга қаратдим.

Бошланғич билим, маълум кўникмадан ташқари амалий тажрибам борлиги асқатди. Бизнес-режанинг қиймати 17 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу кредитни ускуна-

ТАШАББУС

Бизнес-режаним ҳар тарафлама тайёрлаш давомида бозорни ўргандим, меҳнат шарт-шароитлардан тортиб, қадоқлаш ва харидорларга етказиб бериш жараёнлари билан танишдим. Бу борада ҳам маълум жиҳатларни такомиллаштиришни ниёт қилдим.

Андижон ва бошқа қўшни вилоятлардаги маъданли булоқлар, минерал сув ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари таркиби билан қизиқдим. Тажриба тарихида ўтказилган таҳлиллар асосида шундай сувни топдим.

Ҳақ шакланганча, уни иқтисодий жиҳатдан асослаш ҳам

лар сотиб олиш ва айланма маблағга сарфлаш кўзда тутилган. Ўзимда мавжуд шароит маҳсулотни қадоқлаш имконини беради. Истеъмолчилар богча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари бўлганлиги боис маҳсулотларнинг шакл-шамойили турлича бўлади. Таркибидан минерал моддалар ёш организмга қувват бахш этади. Кейинчалик маҳсулот турини кўпайтириш мумкин.

Бизнес оламига шу каби пишиқ-пухта тайёрларлик билан кириб келаётганимдан мамнунман. "Ёшлиқда олинган билим тошга ўйланган нақшдир", дейишади. Ўйламанки, бугунги тобланиш жараёни барчамизга янги марраларни забт этиш учун кўл келарди.

Жаҳонгир МУТАЛИПОВ,
«Менинг бизнес гоям» кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи голиби.

ҚАДРИЯТ



Устоз — шогирд мулоқоти

Ҳар гал ишга кириш эканман, мусаввир Камолиддин Бехзоднинг Низомий Ганжавий, Алишер Навоий ва бошқа салафларнинг шоҳ асарларига битилган миниатюраларини кузатаман. Негаки, ушбу асарларда ҳаққонийлик ва ҳаётийликнинг гўзал намуналари акс этган ҳамда бу кишига олам-олам завқ улашади. Шу боис ижодий ишларимда, асосан, та-

рихий ва лирик қаҳрамонлар тимсолларини яратиб ҳаракат қиламан. Айниқса, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш ижодкорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинаётгани, ҳамма қатори, мени ҳам янгидан-янги ижодий парвозларга ундамоқда. Шунингдек, халқ хунармандчилигини ривожлантириш борасида ҳам эътиборли ишлар ҳаётга татбиқ этилаётди. Жумладан, "Олтин мерос" халқро хайрия жағғармаси, республика "Хунарманд" уюшмасининг амалий сай-ҳаракатлари тўғрисида амалий устaxonга эгамиз. Бу ерда "Устоз — шогирд" аъёнани йўлга қўйилган бўлиб, касб-хўнар коллежларини тамомлаган ўн нафар ёш мусаввир миниатюра сирларини ўрганиб боришарди.

Энг муҳими, ижодий ишларимизни санъатсеварлар эътиборига ҳавола этишда ҳам қанчалар имтиёزلарга эгамиз. Хунармандлар ўртасида ҳар йили ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик-танловидан мунтазам қатнашиб келаяпмиз. 2011 йилги кўрик-танловнинг "Оилавий бизнес" номинациясида биринчи ўринни қўлга киритдим.

Албатта, республикамизда хунармандчилик, хусусан, миниатюра санъатини ривожлантириш учун яратиб берилаётган шарт-шароитлардан ҳар бир хунарманд мамнун. Зеро, бундай имкониятлар ижодимизнинг янада юксалишига муҳим омил бўлмоқда.

Камолиддин АБДУЛЛАЕВ,
мусаввир,
«Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг «Энг яхши хунарманд» йўналиши совриндори.

Оққуш парвозидек мафтункор

Бадий гимнастиканинг таърифи шу ифодада мужассам, деб айтсам, муболага бўлмас. Болалигимда телевизор орқали гимнастикачи қизларнинг оққушдек ҳаракатларини илк бор кузатганимда, уларга чин дилдан ҳавас қилган эдим. Келгусида мен ҳам улар даврасига қўшилиман, дея кўнглимга тукқандим.

ФАХР Ана шу истак мени Жомбой туманидаги олимпия захиралари тайёрлаш марказининг бадий гимнастика тўғрисидаги томон етаклади. Тўғриси, аввалига бажараётган машқларимга жило беролмай анча қийналганман. Мураббийларим ва ота-онамнинг кўмаги билан ўз устимда тинимсиз ишлайвердим. Биласизми, шунда юракдаги иштиёқ борган сари аланга олди ва тез орада сабоқдошларимдан қолишмай ҳаракатланганим билан бўлдим.

Ўтган йиллар мобайнида спортнинг сеҳри, жозибаси бир зум мени

тарқ этмади. Мудом дилимга чўғ солиб, муваффақиятлар сари илҳомлантириб турди. Шунда англадимки, спорт — бахтим экан. Ана шу иқбол сурурини 2010 йили бадий гимнастика бўйича мамлакат чемпионатида биринчи ўринни эгаллаганимда ҳамда 2011 йилда "Биллур капалаклар", кейинги йил "Нарру сағанам" халқро турнирларида муваффақиятли қатнашганимда янада теран ҳис этдим.

Спорт билан тиббиётни бири-биридан айри тасавур қилиб бўлмайди. Ҳар киши ҳам кишини тетиқлаштириши, саломатлигини яхшила-

ди. Шу боис ўрта мактабни тамомлаб, ҳозирги кунда Сиеб тиббиёт коллежиде ўқишни давом эттиряман. Шу ўринда айтиб ўтишим керак, коллежамизда ҳар жиҳатдан тўқис билим олиш учун барча шарт-шароит яратилган. Замон талаблари асосида жиҳозланган ўқув хоналарида ўқувчилар тиббиёт илмининг сир-асрорларини пухта ўрганишмоқда.

Шунингдек, ўқув муассасамизда ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига ҳам катта эътибор берилди. Аниқроғи,

уларнинг барчаси турли спорт тўғрисидаги машғулотлар олиб боришади.

Юртимизда қайси соҳада бўлмасин, иқтидорли ёшлар, албатта, қўллаб-қувватланади. Ўзимдан мисол, ўтган йили спортдаги ютуқларим тўғрисида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Ушбу беқиёс ғамхўрлик ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бирига айланди. Ана шундаги масрурлик мени доимо руҳлантириб туради. Мухими, бу юксак мукофот янада юқори марраларни забт қилишга даъват этади.



Дурдона ОЛИМОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

Донолар айтадики:

Умр инсонга гўзал яшаш учун берилган.

Мангу яшайдигандек ўрган. Эртага ўладигандек яша.

Жалолиддин РУМЙИ

Маҳатма ГАНДИ

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 678 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5